



Ishonch

Моҳият
Шу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахту саодати, ёруғ истиқболли, фаровон келажиги учун яшаш, курашиш, керак бўлса, жонини фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир.
Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси нашри

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2011-2015 йилларда Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, уларни ижтимоий таъминлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Унда куйидагилар назарда тутилди:

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш;

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш; ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ мақсадли даямлаш ва соғломлаштириш, реабилитация чораларини ва геронтология ёрдамни кучайтириш;

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар — мутасадди ижрочилар 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг 2012-2015 йилларга мўлжалланган Давлат бюджетини шакллантиришда 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни молиялаш учун зарур маблағларни, ушбу мақсадларга ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағларини кенг жалб қилишни ҳисобга олган ҳолда, назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ҳар йили Инвестиция дастурини шакллантиришда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар учун тиббий-ижтимоий муассасаларнинг қурилиши ва реконструкция қилинишига зарур маблағларни бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар йили ажратиладиган капитал қўйимларининг марказлаштирилган лимитлари доирасида молиялашнинг прогноз ҳажмига биноан 2-иловага мувофиқ назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 2-иловада назарда тутилган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизасини ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини белгиланган тартибда таъминласин.

4. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги: бир ой мuddатда манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастурида белгиланган тадбирлар бажарилишининг бориши ва натижалари ҳақида таҳлилий ахборот киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2011 йил 30 май

Рағбат



Касаба уюшмаси стипендияси топширилди

Истеъдодли, жамоат ишларида фаол қатнашган бир гуруҳ талаба ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларига Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши стипендиялари ва эсдалик совғалари топширилди.

— Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш учун юртимизда катта ишлар амалга оширилмоқда, — деди кенгаш раиси Нурилла Насимов. — 1998 йил 25 ноябрдаги раёсат қарорига асосан шаҳар ҳудудида жойлашган олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётган истеъдодли, жамоат ишларида фаол қатнашаётган талаба ва ўқувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш учун 10 та стипендия тасвис этилган эди. 2007 йилдан бошлаб эса уларнинг олаётган стипендияларига энг кам иш ҳақининг 12 баробари

миқдориди маблағ қўшиб бериладиган бўлди. Ўрта махсус ўқув юртларининг 20 нафар ўқувчиларига қимматбаҳо совғалар топшириб келинмоқда. Шу кунгача 134 нафар талаба Кенгашимиз стипендияси соҳиб бўлди.

Тадбирда 5 нафар олий ўқув юртлари талабаларига «Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши стипендияси» гувоҳномаси ва 10 нафар ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларига эсдалик совғалари топширилди.

Ғанихон Бўронов Тошкент Молия институтининг 3-курс

талабаси. У ёш бўлишига қарамай амалиётда қўлласа арзийдиган бир неча молиявий дастурлари билан устозлари назарига тушган. Истиқлол йилларида Ғанихон сингари ёшларимизни қўллаб-қувватлаб, имкониятларини намойиш этишлари учун барча шароитлар яратиб берилмоқда.

— Бу каби тадбирлар биз ёшларни истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлида янада ғайрат билан изланиш, мамлакат учун зарур мутахассис бўлиб етишишга ундайди, — дейди у. — Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида ана шундай стипендияга муносиб топилгани меннинг учун икки қарра қувонч бахш этди.

У. ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлик

Тошкент шаҳрида 27-28 май кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Форумининг VI мажлиси бўлиб ўтди. Унда ШХТга аъзо давлатлар миллий тадқиқот марказлари делегациялари, кузатувчи мамлакатлар экспертлари, ШХТ Котибияти ва Минтақавий аксилтерор тузилмаси Ижроия қўмитаси ҳамда Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Форум ШХТ фаолиятига қўмаклашиш ва уни илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган кўптомонлама жамоатчилик маслаҳатлашув-эксперт механизми ҳисобланади. Мажлис давомида форум иштирокчилари асосий эътиборни 2010 йилнинг июн ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ саммити ақналарига қаратдилар. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини янада ривожлантириш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, Ўрта Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш, ўзаро манфаатли инвестициявий ва савдо-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Форумда Ўзбекистон Республикасининг ташкилотга раислик давридаги фаолиятига, расмий Тошкентнинг ШХТ фаолияти самарадорлигини ошириш ва халқаро майдондаги мавқеини янада юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берилди. Жумладан, Ўзбекистон ШХТга раисликнинг дастлабки кунлариданоқ мазкур ташкилотни ривожлантиришнинг устуворликларини аниқ ва равшан белгилашга таъкидланди. Тошкентдаги икки томонлама маслаҳатлашувлар ва миллий мувофиқлаштирувчиларнинг мажлисида ташкилотга аъзо давлатлар вакилларига мамлакатимизнинг асосий ташаббуслари батафсил тушунтирилди, тегишли ҳужжатларнинг лойиҳалари қуриб чиқиш учун ўз вақтида тақдим этилди. Ўзбекистоннинг ШХТ доирасида раисликни ташкил этиш борасидаги масъулиятли ва тизимли ёндашуви Тошкент саммитининг асосий ҳужжатлари — ШХТ Процедуралари қоидаларини, ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоми, ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларацияни ишлаб чиқиш, улар юзасидан ўзаро келишиш ва имзоланиш таъминлаш имконини берди.

(Давоми 2-бетда)



Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсияси кенгаши ҳамкорлигида «Ижтимоий шерикликнинг турли шакллари, маҳаллий ҳокимият органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари» мавзусидаги давра суҳбати ташкил этилди.

Унда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси долзарблиги таҳлилига алоҳида тўхталинди. Сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакиллари ва доимий комиссиялари раислари, ҳокимликлар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Иқтисодий, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсияси кенгаши, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этган давра суҳбатида ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш, ижтимоий шерикликни амалга ошириш шакллари, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик, ижтимоий шериклик соҳасидаги низооларни ҳал этиш тартиби, маҳаллий ҳокимият органларининг ижтимоий шерикликдаги иштироки каби масалалар муҳокама этилди.

Батафсил муҳокама ақнасида давра суҳбати иштирокчилари томонидан ижтимоий шериклик, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди. Ижтимоий буортмани амалга ошириш механизмининг белгилаш, ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ахборот алмаштириш, ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадида дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг аҳамияти таъкидланди. Давра суҳбати иштирокчилари томонидан «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга оид аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Ўз мухбиримиз

Ижтимоий шериклик

жамиятнинг барқарорлиги, ривожланиши, самарали ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш имконини беради

Мамлакатимизда Мустақиллик йилларида иқтисодий барқарор ривожлантириш очик демократик ҳуқуқий давлатни, инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият деб тан олинган фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Бу жараён жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилди.

Ўзбекистонда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципининг босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида фуқаролик жамиятининг турли институтлари шаклланиши ва айни пайтда тўхтовсиз ривожланиши учун қўлай шароит яратилди. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг фаолият соҳасига талонли икки юздан ортқ Қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ролини кучайтириш, демократлаштириш бўйича қўйилган мақсадларни амалга ошириш фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳамда юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида ҳал қилувчи омил бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг пухта ўйланган сиёсатини амалга ошириш натижасида бугун мамлакатимизда ижтимоий шерикликнинг турли шакллари ривожланиши ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институт-

қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоялашда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркорлиги аниқ ва равшан кўрсатиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, ўтқараётган ислохотларнинг очик-ошқоралиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармойишига мувофиқ «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича эксперт гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис Сенати сенаторлари, Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти олимлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсияси кенгаши мутахассисларидан таркиб топан эксперт гуруҳи томонидан аввало мавжуд қонунчиликни ўрганиш, ижтимоий шериклик тамойилларини амалга оширишга тўқинлик қилувчи ҳолатларни аниқлаш, ижтимоий шериклик соҳасидаги ҳуқуқий амалиёт тажрибаси таҳлилий йўналишларидаги ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда)

(Давоми. Боши 1-бетда)
Шу билан бирга, ижтимоий шериклик соҳасида умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёра-рини таҳлил этиш, хорижий мамлакатларнинг ижтимоий шериклики қонунчили асосларига биноан тартибга солиш тажрибаси ўрганилди. Ижтимоий шериклик йўналишида хориж тажрибасини ўрганиш натижалари дунёнинг кўпгина мамлакатлари, хусусан, Белгия, Германия, Франция, Австрия, АҚШ каби давлатларда ижтимоий шериклик тизимининг унумли ишлаши учун меъёрий база яратилганлигини кўрсатди.

Дарвоқе, Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари тақлифлари алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур Қонун лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги ўрганилиб, ҳуқуқий экспертиза ўтказилди. Шунингдек, Қонун лойи-

фаолиятининг асосини ижтимоий шериклик тамойиллари ташкил этади. Чунки ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси ишларининг самарадорлиги айнан ижтимоий шерикликнинг амалда қай даражада ўз ифодасини топаётганига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишувда ижтимоий масъулиятни давлат, иш берувчилар ва ходимлар ўртасида бундан бун ҳам тақсимлаб бориш тан олинган. Ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, жамиятда ижтимоий тўтувлик ва барқарорлиқни сақлаб туришда амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ижтимоий шериклик тамойиллари амалга

ган эксперт гуруҳи раҳбари Танзила Нарбаева. — Хусусан, амал қилаётган 14 та ҳудудий, 81 та тармоқ келишувлари, бевосита корхоналарда имзоланган 115 мингдан зиёд жамоа шартномалари орқали 6 миллион нафардан зиёд ходимнинг манфаатлари ҳимояланмоқда. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси кучайтирилиб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Аёллар учун қўшимча таътиллار олиш, иш берувчилар ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари бўйича узайтирилган таътиллاردан фойдаланиш, 2 ёшдан 3 ёшгача бола парварishi таътилида бўлган оналарнинг моддий ёрдам олишлари каби имкониятлар яратилмоқда.

Айниқса, бу борада нодавлат секторидagi корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилишига эришиш масаласи Федерация кенгашининг доимий диққат марказида бўлмоқда. На-

қилинган Мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофазат қилиш, тиббий маданият тарғиботини кучайтириш юзасидан 2011-2012 йилларда амалга оширилган кўпмаъража тадбирлар дастури шулар жумласидандир.

Дастур доирасида қасаба уюшмалари тизимида мавжуд санаторийларда фертил ёшдаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ишлари бошланди. Хусусан, Тошкент вилоятида жойлашган «Умид гулшани» санаторийида 70 нафар туғиш ёшдаги аёллар имтиёзли равишда соғломлаштирилди. Улар «Соғлом она — соғлом бола» тамойили асосида чуқурлаштирилган комплекс тиббий кўриқдан ўтказилди. Малакали шифокорлар томонидан қўйилган аниқ ташхисларга мувофиқ физиотерапия, йод-бром таркибига эга бўлган маъданли сувлар, даволаш жисмоний тарбияси каби шифо усулларини ўз ичига олган муолажалар ўтказилди. Соғломлаштириш жараёнида репродуктив саломатлиқни мус-

ётга жорий этилган тизимдан ҳам ижобий натижалар кутилмоқда. Хусусан, Республика ҳудудларида 15-17 ёшли болалар учун ташкил этилиши режалаштирилган Меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари фаолиятини йўлга қўйишда «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигидан унумли фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишлари борасида олиб борилаётган саяё-ҳаракатларда қасаба уюшмаларининг муносиб ҳиссасини қўйиш мақсадида жойларда ўрта-махсус қасаба-хунар таълими Марказлари билан ҳамкорликда қасаба-хунар коллежлари битирувчиларини тегишли корхона ва ташкилотларга «Устоз-шогирд» йўналишида бириктириш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим ва фан тармоғи бўйича 1183 та қасаба-хунар коллежиде ўқувчилар «Устоз-шогирд» тизими асосида 3485 та корхона ва ташкилотга бириктирилди. Улар билан қасаба уюш-

Тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлик

(Давоми. Боши 1-бетда)
ШХТнинг очиклик ва блока айланмаслик хусусияти янада мустаҳкамлангани, ташкилотга аъзо давлатлар ташаббусларини ҳамда ташкилот ҳужжатлари лойиҳаларини илгари суриш, ўзаро келишиш ва тасдиқлаш, унинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш жараёни аниқ белгиланган Ўзбекистоннинг ШХТга раислик давридаги фаолиятининг асосий яқунлари бўлди.

Форумда ШХТнинг Тошкент саммити яқунлари бўйича қабул қилинган асосий ҳужжатлар атрофида муҳокама қилинди.

Томонлар Тошкент саммити асносида ШХТ Процедуралари қоидалари тасдиқлангани ШХТ-ни янада изчил ривожлантириши таъминлашда, ташкилот фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда муҳим кадам бўлганини таъкидладилар. Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган Процедуралар қоидалари ШХТ ва унинг органлари фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, ташкилот доирасида тасдиқланган ҳужжатлар ва қарорларни сифатли тайёрлаш ва амалиётга самарали татбиқ этишни таъминлаш имконини беришига ишонч билдирди.

БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида 2010 йил апрел ойида Тошкентда имзоланган ШХТ ва БМТ қотибиталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация ШХТ тараққиётидаги муҳим воқеа бўлди. Ушбу ҳужжатда икки нуфузли халқаро тузилма ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий тамойиллари ва соҳалари белгилаб берилди.

Форумда мазкур декларациянинг қабул қилиниши самарасида ШХТ билан БМТнинг тулли тузилмалари ва ихтисослаштирилган мусассалари ўртасида ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашгани таъкидланди.

Форум иштирокчилари ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши ШХТ олдида турган вазифаларни ҳал этишда БМТ минбаридан янада фолдор фойдаланиш ва унинг доирасида ШХТга аъзо давлатларнинг манфаатларини ифодаловчи масалаларни биргаликда илгари суриш имконини беришига ишонч билдирдилар.

Томонлар ШХТ ҳудудида минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларини муҳокама қилиш чоғида Афғонистон муаммосига алоҳида эътибор қаратдилар. Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш минтақавий хавфсизлик ва барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг ҳал қилувчи омилли экани таъкидланди.

Ялли баҳс-мунозаралар чоғида Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги асосий ёндашувлари қўллаб-қувватланди. Томонлар Афғонистон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаганига бора-сида яқдил фикр билдирдилар. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун қарама-қарши томонлар ўртасида ўзаро мurosага эришиш, бу жараёнда Афғонистон халқини жалб этиш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тиклаш зарур. Умуман, Афғонистон муаммосини, авваломбор, Афғонистон халқининг ўзи ҳал қилиши керак.

Форум иштирокчилари, шунингдек, савдо-иқтисодий ва сармовий соҳаларда кулай шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфраструктураларини ривожлантириш бўйича минтақавий ва минтақалараро қўшма лойиҳаларни амалга ошириш лозимлигини таъкидладилар.

Форумда ШХТ Хартияси, ташкилот доирасида қабул қилинган бошқа битимлар ва процедураларга қатъий риоя қилган ҳолда ташкилотнинг янада изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қабул қилинадиган қарорларни ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини ошириш зарурлиги қайд этилди.

(ЎЗА)

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

жамиятнинг барқарорлиги, ривожланиши, самарали ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш имконини беради

ҳасининг Концепцияси ишлаб чиқилди.

Мазкур Қонун лойиҳаси ва Концепцияси муҳокамасига бағишланган давра суҳбатларида жамоатчиликнинг кенг иштироки таъминлаш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида фуқаролик жамияти институтлари, бошқарув ва ижро ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида 2 бошқичдан иборат муҳокама мажлислари ўтказилиб, уларда жами 1,5 минг нафардан ортиқ фуқаролар, 50 дан зиёд йўналишларда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этидилар.

Мажлислар доирасида ўтказилган ижтимоий сўров натижасида нодавлат нотижорат ташкилотлар, давлат органлари ва тadbirkorлик субъектлари ўртасидаги ўзаро ижтимоий шериклик даражаси ўрганилди. Шунингдек, мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар тўпланди.

Ўтказилган муҳокама мажлислари ва ижтимоий сўров натижасида Қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича 200 дан зиёд тақлифлар олинди. Мазкур тақлифлардан келиб чиққан ҳолда Қонун лойиҳасига қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритилиб, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга ошириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш Комиссиясига қўриб чиқиш учун тақдим этилди.

Маълумки, қасаба уюшмалари

оширилиши акс этган. Ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб келиб олиб боришнинг умумий тамойилларини белгилаб берувчи мазкур Бош келишувда Тарафлар қуйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятлар олганлар:

- иқтисодий, мамлакатда ишлаб чиқариш ҳамда тadbirkorликни ривожлантириш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва турмуш даражаси;
- меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш;
- меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги;
- ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя;
- маънавий-маърифий тadbirkorлик, жисмоний тарбияни оммалаштириш ишлари, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш;
- ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш.

Бу йўналишда амалга оширилган ишлар мониторингини олиб бориш мақсадида ташкил этилган уч томонлама комиссия томонидан олинган мажбуриятларнинг таҳлили ўтказилиб, келгусидаги ишлар белгилаб борилди.

— Бугунги кунда ижтимоий шериклик доирасида амалга оширилиши мақсад қилинган мазкур йўналишдаги мажбуриятлардан келиб чиқадиган тadbirkorликнинг жойларда жамоа шартномалари ва келишувлари воситасида амалга оширилишига қасаба уюшмалари томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича тасдиқлан-

тижада юқорида қайд этиб ўтилган имтиёزلардан жамоа шартномалари ва келишувлари орқали нодавлат секторида фаолият кўрсатаётган ходимлар ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

Ижтимоий шериклик самарасининг амалдаги яна бир ёрқин ифодасини корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилган жамоа шартномалари бажарилишига бағишланган муҳокамаларда ҳам кўриш мумкин. Бундай муҳокама-лар жараёнида бевосита ижтимоий шериклик — иш берувчи ва қасаба уюшма қўмитаси ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт тadbirkorлиги каби йўналишлар бўйича имтиёз ва кулайликларнинг амалдаги ижроси тўғрисида ҳисобот бердилар. Бу орқали корхона ва ташкилотлар, улардаги қасаба уюшма қўмиталари фаолиятининг очик-ошкоралиги ҳам таъминланишига эришилмоқда.

Қасаба уюшмаларининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт йўналишдаги ишларида ижтимоий шериклик имкониятларидан унумли фойдаланишининг йўли ва тизимли механизмининг йўлга қўйиш мақсадида Федерация кенгаши томонидан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан йиллик чора-тadbirkorлиги ишлаб чиқиш ва икки тарафлама қабул қилиш амалиёти жорий этилди. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда қабул

таҳкамлаш ва соғлом оилани шакллантириш, соғлом фарзандлар дунёга келиши ва баркамол авлодни воёга етказиш йўналишидаги ишлар самарасини ошириш мақсадида қасаба уюшмалари томонидан Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази, Саломатлик ва тиббий статистика институти билан ҳамкорликда «Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш» мавзuida семинар ташкил этилди.

Ижтимоий шерикликка асосланган яна бир ҳужжат — Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш вазирлиги томонидан имзоланган 2011-2012 йиллар учун қўшма тadbirkorлик режаси асосида жойларда ҳудудий қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш бош бошқармалари мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлари яратилаётган янги иш ўринларида меҳнат қилаётган фуқароларнинг меҳнат ва меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқлари, улар учун белгиланган қўшимча кафолатлар, меҳнат ва дам олиш шароитлари таъминланганлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўрганилиб, бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тadbirkorлик қўрилмоқда. Шунингдек, корхона ва ташкилотлардаги меҳнат муҳофазат қилиш ҳолати ўстидан белгиланган тартибда давлат ва жамоат назорати амалга оширилмоқда.

Болаларни ёзги соғломлаштириш ишлари сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида ижтимоий шериклик йўналишида янги ёндашув асосида амали-

ма ташкилотлари иштирокида ҳамкорлик шартномалари тузилган. Натижада 363 минг нафардан зиёд ўқувчи амалиётни йирик ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларида ўтказиши асносида 176 минг нафарга яқин битирувчининг бўлажак иш жойи белгиланди. Алоқа ходимлари тармоғи йўналишида Алоқа қасаба-хунар коллежи ҳамда Ахборот технологиялар коллежи битирувчилари «Тошкент шаҳар телефон тармоғи», «Тошкент телефон тармоғи станцияси», «Тошкент почтампоти», «Шаҳарлараро алоқа корхонаси»да «Устоз-шогирд» тизими асосида амалиёт ўташи билан биргаликда уларнинг асосий қисми мазкур корхоналарга ишга қабул қилиниши юзасидан келишувга эришилди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Афғонистоннинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамағатлари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси кенгаши билан ишлаб чиқилган қўшма тadbirkorлик дастурлари ҳам ижтимоий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган.

Муктабар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлайди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши
Матбуот хизмати раҳбари

Ўқув-семинар

Куйичирчиқ туманидаги кўп тармоқли болалар ижодиёт уйи ҳар қачонгидан гажув. Бу ерга ташриф буюрганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишяпти.

Тажриба алмашилди

— Вилотимизнинг туман ҳамда шаҳарларидан тақлиф этилган вакиллар яқинда ташкил этилган «Бойичек» болалар кундузги соғломлаштириш оромгоҳи фаолияти билан танишдилар ва шу асосда ўз мактаблари қошида ҳам худди шундай оромгоҳлар фаолиятини йўлга қўйишди, — деди таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши раиси Севара Раҳимова.

Оромгоҳни айландик. Маданий тadbirkorлик ўтказилган катта зал. Шундоққина ёнгинасида компютер хонаси жойлашган. Махсус ажратилган бинода эса турли тўғараклар фаолият кўрсатади.

Иштирокчилар — туман ҳамда шаҳар халқ таълими бўлими мудирлари, бирлашган қасаба уюшма қўмиталари раислари оромгоҳ билан танишишган, тadbirkorлик 25-ўрта мактабда давом этди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» муҳбири

Мехр бериб,

Шўрчи туманидаги 68-махсус мактаб-

Кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган бу даргоҳда бугун 209 нафар имконияти чекланган ўғил-қиз тарбияланмоқда. Болакайларнинг бирови дудук, иккинчисининг англаш, тушуниш қобилияти суст, бошқиси тенгдошларига нисбатан ақлан заиф.

— Бу ўғил-қизларнинг баъзилари ота-онасига ҳам керак эмас, — дейди махсус мактаб-интернат директори Акбар Хайитов қуюнчақлик билан. — Интернетга фарзандини топшириб кетган ота-оналарнинг кўпчилиги ўзига тўқ, бадавлат яшашида, осларида машина, қўша-қўша уй-жойи бор. Лекин, мехр ва эътиборга зор фарзандларини бир бор сўроқлаб келишмайди, болам бор, деб ўйлашмайди ҳам. Вақоланки, фарзандларининг нуқсонли туғилишида ўзлари айбдор. Бирови яқин қариндошига уйланган, бошқаси спиртли ичимлик ичган ёки камқон она кетма-кет туғариши тўғайли бола нуқсон билан туғилган.

Бизни аввал имконияти чекланган ва ақли заиф болалар ётоқхонасига бошлашди. Қизлар ва ўғлонлар алоҳида алоҳида ётоқхонада жойлашган экан. Бу ердаги кўпчилик оилалар фарзанди ҳамон ерда, полга жой тўшаб ётаверди. Кам таъминланган оилаларни қўя турайлик, ҳатто «Нексия»си, «Эсперо»си бор, ўзига тўқ оилалар ҳам болаларининг ҳар бирига алоҳида қаравот ёки юмшоқ диван харид қилавермайди. Мактаб-интернат ётоқхонасида эса ҳар бир бола алоҳида алоҳида диван ёки юмшоқ қаравотда ётади. Ҳар ҳафта чойшаблар, қўрпа, ёстиқ жилдлари алмаштирилади, ҳар бир хонада 4-5 нафар бола жойлаштирилган бўлиб, бир четиде уларнинг кийим-кечақлари, ювиниш-тараниш жиҳозлари учун тумбочкалар, туслар, кийим жавонлари қўйилган. Хоналарни тоза, ораста сақлаш фаррошлар зиммасида. Ётоқхонада телевизор, шахмат, шашка тахталари бор. Бош тарбиячи Бозор Қодиров кечю кундуз ётоқхона навбатчилари ишини назорат қилади.

Мактаб-интернатнинг кенг, шинам, ораста ошонасидаги шароит кўчада-

ги ёмакхоналардан афзал бўлса афзалки, асло кам эмас. Залда стол-стуллар тартиб билан жойлаштирилган, ошона поли ялтиради. Ойсулув Тожиева, Нурмамат Хуррамов каби қўлини ошпазлар ҳар куни тарбияланувчиларга 4 маҳал лозим таомлар тайёрлашади. Тиббиёт ходимлари Хосият Сафарова, Саодат Нурбаева, Ҳожар Санонова ҳам овқатлар сифати, ҳам болалар соғлиғидан бохабар.

Қир ювиш бўлмасига ўтганимизда 4-5 нафар хотин-қиз ювиш-чайиш билан банд экан. Зейна Очилдиева, Зилола Маматова каби қаққон ва элчи аёлларнинг қўли-қўлига тегмайди. Чунки интернат тарбияланувчилари озода юриши, чойшаб, ёстиқ, курпалари тоза бўлиши учун ҳукумат маблағ ажратаяпти, уларга маош бераёпти. Синфхоналар умумтаълим мактаблариникидай катта эмас. Ихчам-иччам синфхоналарнинг ҳар бирида 8-10 нафар тарбияланувчи ёшига, ўзлаштириш қобилиятига қараб ўқитилмоқда.

Нутқида нуқсонли бол, имконияти



Қарор ва ижро

Ҳар бир йил номланишига кўра мақсад ва йўналишларни ўз ичига олади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили ҳам бундан мустасно эмас.

Биз «Ўздавэнегрозорат» давлат инспекцияси норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи Абдурасул Усмонов билан тизимда бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

Тадбиркорга имконият

— Энергетика соҳаси ҳар биримиз учун нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлигига изоҳ бериб ўтиришнинг ҳождати йўқ. Нур ва иссиқлик ҳамма-мизга керак. Шу жумладан, тадбиркорларга ҳам. Тадбиркорларга тармоқда қандай қафолат ва имтиёзлар яратилмоқда?

— Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорига мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 апрелдаги 103-сонли «Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қуввати 50 квт.гача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан 2011 йил 1 майдан тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан, кичик бизнес субъектларининг қуввати 50 квт. ва ундан паст бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди.

— Демак, ортиқча қоғозбозлик ва оворагарчиликларнинг олди олинди?

— Ҳа, шундай деса ҳам бўлади. Электр тармоқларига улашдаги расмийлаштириш ишлари қисқа вақт ичида ҳал бўлади. Ишлаб чиқилган тартибга биноан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ихтиёри билан ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига улашга техника шартлар олиш учун бевосита туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузурдаги тадбиркорлик фаолияти субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари орқали ёки лойиҳа ташкилотлари орқали буюртмалар бериллиши мумкин. Шунингдек, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан улаш учун техник шартлар бериш мuddати 3 кун қилиб белгилаб қўйилди.

тармоқлари корхоналари томонидан улаш учун техник шартлар бериш мuddати 3 кун қилиб белгилаб қўйилди.

«Ўздавэнегрозорат» давлат инспекцияси томонидан электр қурилмаларини қўриқдан ўтказиш далолатномаларини бериш мuddати ҳам 3 кундан ошмаслиги шарт.

Масаланинг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, тадбиркорлик субъектларига тегишли электр қурилмаларини фойдаланишга топшириш имконини аниқлашда тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатини 79 тадан 13 тагача камайтириш назарда тутилган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида «Ўздавэнегрозорат» давлат инспекцияси томонидан «Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қуввати 50 квт.гача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш тартиби тўғрисида Низом» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилгандан сўнг, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

— Ушбу Низомда назарда тутилган талаб ва тартиблар нималардан иборат?

— Мазкур Низомда юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, соддалаштиришлар белгилаб қўйилди:

- 1. 2011 йилнинг май ойидан бошлаб қуввати 10 квт.гача бўлган истеъмолчилардан электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш учун «Ўздавэнегрозорат» давлат инспекцияси инспекторининг электр қурилмаларини эксплуатация қилишга ижозат бериш тўғрисидаги далолатномаси талаб қилинмайди.
2. Тармоққа улаш учун техник шартлар иложи борича яқин тармоқлардан берилиши белгиланган. Қўшимча қувватларни улаш билан боғлиқ бўлмаган ва ишлаб турган электр тармоқларини реконструкция қилиш бўйича бевосита асосланмаган талабларни техник шартларга киритиш тақиқланган.
3. Истеъмолчиларнинг қуввати 10 квт.гача бўлган электр қурилмалари учун ҳисоб-монтаж схемаси, электр таъминоти лойиҳа ҳисобланади ҳамда у электр таъминоти корхонаси ва «Ўздавэнегрозорат» давлат инспекцияси билан келишилмайди.
4. Электр қурилмаларининг қуввати 10 квт.гача бўлган истеъмолчи билан электр таъминоти шартномасини тузиш, берилган техник шартларнинг бажарилганлиги электр таъминоти корхонаси томонидан текширилганидан сўнг, ариза-мажбурият берилгандан кейинги уч кун давомида амалга оширилади. Шартнома тузилган кундан бошлаб истеъмолчиларнинг электр қурилмалари электр тармоқларига уланади.
5. Тадбиркорлик субъектларига тегишли электр қурилмаларини қўриқдан ўтказишда Низомда белгилангандан бошқа талаблар бўйича текшириш ва ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланган.
— Тадбиркорлик субъектларининг қуввати 50 квт.гача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашнинг соддалаштирилган тартиби амалда қанчалик қулай шарт-шароитлар яратилди?
— Агар 2010 йилда 14 миңдан ортиқ қуввати 10 квт.гача бўлган истеъмолчи ўз электр қурилмалари «Ўзбекэнерго» ДАК электр тармоқларига улашини учун мурожаат қилганликларини инобатга олсак, демак, йилга шунча истеъмолчига электр қурил-

маларини тармоққа улаш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Масалан, Тошкент шаҳрида 2011 йилнинг биринчи чорагида фаолиятини бошлаган, электр қурилмаларининг қуввати 10 квт.гача бўлган қуйидаги тадбиркорлар — тикув цехидан — Ш. Турсунов, гўзаллик цехидан — К. Муҳамедова, дўкон эгаси — Н. Исмаилова, маийши хизмат кўрсатиш мажмуасидан — З. Ибрагимовлар электр жиҳозларини электр тармоқларига улаш учун мурожаат қилганди. Уларнинг аризалари «Ўздавэнегрозорат» давлат инспекцияси томонидан ўрганиб чиқилиб, электр қурилмаларини эксплуатация қилишга ижозат бериш тўғрисида далолатнома берилди. Келгусида фаолиятини бошлаётган бундай тадбиркорлардан юқорида келтирилган далолатнома талаб қилинмайди, тармоққа улашга тайёр бўлган электр ускуналари уч кун ичида электр таъминоти корхонаси томонидан улаб берилади. Шунингдек, 2011 йилнинг биринчи чорагида фаолиятини бошлаган, электр қурилмаларининг қуввати 10 квт.дан 50 квт.гача бўлган қуйидаги тадбиркорлардан — «ZULRUN» МЧЖ савдо мажмуаси, «SHOX MARKET» МЧЖ, «ALUTEX» МЧЖ офис ва оромхона электр қурилмаларини фойдаланишга топшириш имконини аниқлашда 79 та ҳужжат тақдим этилиши лозим бўлган бўлса, келгусида шу каби истеъмолчилар томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар сони 13 тагача камайтирилди.

«Ishonch» мухбири Дилором АЛЛАҚУЛОВА суҳбатлашди



Бизга қўнғироқ қилинг

Ҳуқуқий маслаҳатхона ишламоқда

Қасаба уюшма ташкилотлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мазкур субъектларда қасаба уюшма ташкилотини тузиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. ЎзКУФКнинг 2011 йил 27 апрелдаги 2-9 сонли қарорига асосан шу йилнинг 23 майдан Федерация Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларида тадбиркорлик субъектлари ва уларда фаолият юритаётган меҳнатқашларнинг ариза, тақлиф ва шикоятларини умумий асосда қабул қилиш, бундай муассасаларда қасаба уюшма ташкилотини тузишга амалий ёрдам бериш мақсадида ҳуқуқий ёрдам маслаҳатхоналари ва «Ишонч телефони» иш бошлади.

Юридик маслаҳатхоналар учун махсус хона ажратилган бўлиб, керакли техник жиҳозлар, компьютер ва зарурий адабиётлар билан таъминланган. Юридик маслаҳатхоналар ва «Ишонч телефони» душанбадан жумагача соат 9⁰⁰ дан 18⁰⁰ га қадар ишлайди.


Бизга маслаҳат сўраб мурожаат қилганларнинг шахси ошкор этилмаслиги қафолатланади. Барча мурожаатлар қонуний асосда кўриб чиқилади. Қонун талабларининг бузилиши ҳолларида материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ўтказилади ва қасаба уюшма ташкилотлари томонидан назоратга олинади.

Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерациясининг «Ишонч телефони» (8 371) 256-48-81

Table with 3 columns: №, Бирлашмалар, Рақами. Lists various regional branches and their contact numbers.

Имтиёз — рағбат демак

Ҳукуматимиз томонидан халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириши давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-таъкидлаш жоиқки, 1997 йилнинг 1 апрелидан 2012 йилнинг 1 апрелига қадар белгиланган тартибда махаллий ҳокимлик ва солиқ идораларидан рўйхатдан ўтган,

Масалан, биргина Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган, фаолият юритаётган хунармандларга 2011 йилнинг биринчи чорагида қарийб 600 млн. сўм солиқ имтиёзлари қўлланилиб, ушбу маблағлар хунармандчилик янада ривожлантириш ва фаолиятини кенгайтириш учун уларнинг ихтиёрида қолдирилди.

Хунармандчилик

«Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлган, хонадон шароитида бадий хунармандчилик ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқарувчи яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган хунармандлар учун қатъий солиқдан имтиёз берилган.

Солиқ имтиёзлари қисби-га тадбиркорлар ихтиёрида қолаётган маблағлар оилавий тадбиркорлики, хунармандчиликни, касаначиликни янада ривожлантириш, «Устоз-шогирд» усули билан шогирдлар тайёрлаш мактабининг кенг қулоч ёйишига, аҳолининг қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаига эга бўлишларига, устачиликни ўрганаётган шогирдларга Бандликка кумақлаш давлат жамғармаси маблағларидан қонун ҳужжатларида белгиланган шакл ва тартиб бўйича «Устоз-шогирд» стипендияси тўлаб келинишига омил бўлиб хизмат қилмоқда.

З. Юлдашев, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси Жисмоний шахсларга солиқ солиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қароридан белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш учун бошқарма ва туман бўлимларида мавжуд ишонч телефонлари ҳақида маълумот берилмоқда.

Table with 3 columns: №, Бошқарма ва туман бўлимлари, Ишонч телефонлари. Lists contact information for various branches.

Меҳр кўрсатиб

интернатдан репортаж

чекланган ва ақли заиф болаларга сабоқ бериш, маззони тушунтириш соғлом ўғил-қизларга нисбатан анча машаққатли. Уларнинг ҳар бирини тартибга қақариш, маззони яқка тартибда тушунтириш ўқитувчидан мустаҳкам асаб, кунт ва маҳорат талаб қилади. Тўри, бу ерда ишловчи устоз-мураббийлар соғлом болалар тарбияланадиган мактабларнинг педагоглариди. «Ишимни комиссия келиб текшириб қолса, уларнинг саволларига болалар жавоб беролмас, мен изза бўлиб қоламан», деган ҳадик, ўйлов билан ишламайдилар. Ақли заиф ёки нутқидан нуксонли бор ўғил-қизларнинг фанларни яқка ўзлаштиришига эришишнинг ўзи бу ерда меҳнат қилаётган устоз-мураббийлар учун катта ютуқ ҳисобланади. Ҳафиза Муминова, Гулчехра Эсонова, Хадича Жабборовна сингари маҳоратли устозларнинг сабр-бардоши, матонатли болаларга меҳри туфайли имконияти чекланган ўғил-қизларнинг кўпчилиги ёзиш, ўқини анча яқини ўзлаштирмоқда. Тарбияланувчилар 9-синфдан сўнг мустакил ҳаётга йўл оладилар. Бу даргоҳда

улайган ўғил болаларнинг кўпчилиги новвой, уста, монтер, сартарош, этикдўз, қизлар эса тикувчи, тўқувчилик касбларида ишлайяпти. Негаки, мактаб-интернатда касб-хунар ҳақида чуқур тушунча берилади. Масалан, меҳнат таълими ўқитувчиси Мирза Йўлдошев 16 йилдан бери болаларга устачилик, дурдодорлик касби сирасорларини ўргатмоқда. Ойша Маматалиева, Сайдулла Бўриев, Норхон Маматова, Гулчехра Сафарова сингари тарбиячилар тўғрарак машгулотларида уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш баробарида турфа хунарлардан сабоқ беришади. Айниқса, қизларга тикиш-бичиш, дастгоҳларда ишлаш, ҳар хил буюм асвасини ўргатишади. Махсус автобусда болалар саёҳатга олиб борилади. Бўш вақтларда ташкил этилаётган спорт мусобақалари ўғил-қизларнинг эғил, доворак ва соғлом бўлишига хизмат қилаётди. Тарбияланувчилар республикадаги махсус мактаблар ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган мусобақаларда фаол иштирок этиб, медаллар шодаси билан қайтишмоқда. Айтиш керакики, махсус мактабда тар-

бияланаётган ўғил-қизлардан саховатли инсонлар ва ҳомийлар меҳрларини дариг тутишмаяпти. Жумладан, «Шўрчидонмахсулотлари» корхонаси раҳбари Уйғун Бердимуродов ташаббуси билан 176 нафар тарбияланувчига қишки иссиқ кийим-кечақлар ҳада қилинди. Туман ҳокимлиги ажратган бир бош қорамол уч бошга етди. Мактаб-интернат ҳудуди йил сайин ободлашмоқда. Бўш жойларда манзарали дарахт ва гул кўчатлари парвариланаётди. Акбар Хайитов директор бўлган, интернат ҳудудида артезиан кудуғи қазилиб, неча йилдан бери муаммо бўлиб келаяётган ичимлик суви масаласи ҳал этилди. Нураб ётган эски иморатлар бузилиб ўрнида бог ташкил қилинмоқда. Етоқхона ва синфхоналар сифатли таъмирланди. Ёзги бостирма тиклиб, тарбияланувчилар учун дам олиш масканлари ташкил этилди. Мактаб-интернат капитал таъмирлаш режасига киритилди. Жорий йилнинг ёзида олтинчи йилларда қурилган эски бино бузилиб, ўрнига замонавийлари барпо этилади. Бир сўз билан айтганда, мактаб-интернатда қўллаб ўзғаришлар бўлаёпти. Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Оқтошнинг хушманзара ҳудудида жойлашган «Оникс» (Миконд) ОАЖга қарашли «Нурафшон» болалар соғломлаштириш оромгоҳи

Advertisement for the 'Onix' (Mikond) OJSC 'Nurafshon' children's health resort. Includes text about 2011 summer holiday acceptance, contact information, and a photo of the resort.

Куч олуурлар Ватан меҳридан



ларнинг кўриктанловларида ғолиб бўлаётган ўғил-қизлар «Мен Ўзбекистонданман» деганларида ич-ичимиздан қувонамиз, қалбимиз гурурга тўлади.

Болалик ҳақида гап кетса, тол шохига арчимиз солиб учганларимиз ёдга тушади. Кўнглидан ўтаётгани шундоқгина кўзида аён бўлиб турадиган содда ўғил-қизлар тенгдошларимиз эди. Бари-бариси лой ва қумдан ясаган уйчаларини гўё маҳобатли бино деб билар, қишлоқ ўртасидан оқадиган анҳор эса кўзларига худди дарёдек бўлиб кўринарди. Уша анҳорлардан қанча сувлар оқиб кетди. Завқли эрткаби кечгани у даврлар хотираларга муҳрланди.

Негаки, биз болалик кезларда орзу қилишга ҳам кўрқанмиз янги давр бу кун кўз олдимизда юз очаяпти. Бу даврнинг тонглари янгиликларга, яхшиликларга тўла. Ҳар лаҳзаси муродбахш, сониялари нурафшон, Хурлик шабадалари эсиб турган бу даврнинг имконлари кичкинтойларга оламни танитди, турли билимларни онгига жойлади, шуурини оқсалтирди, жажжи қалбларига буюк кашфиётлар хавасини солди. Вақти келиб ўзбек болалари ўз билимдонлиги билан дунёни забт этсалар не ажаб!

худудиди жойлашган вилоят Гўдаклар уйи кўркем бинога кўчирилди. Аниқроғи, бу кўркем бино ҳомийлар мадади билан буткул янгидан жиҳозланган. Юқори малакали саломатлик посбонлари хизматга шай туришибди. Қарангки, 4 ёшгача бўлган болалар тарбияланаётган ушбу масканда кичкинтойларнинг қўшиқ дастаси ҳам ташкил этилган экан!

Бинонинг очилиш тантанасида қатнашганимда Гўдаклар уйи кичкинтойларнинг Ватан ҳақидаги қўшиқларини эшитиб жуда-жуда таъсирландим, беихтиёр кўзларимга ёш келди, — дейди ҳомийлардан бири, Чироқчи туман тиббиёт бirlашмаси бошлиғи Холиёр Қодиров. — Ишонасизми, Китоб туманидан то идорага қайтганимча бир неча варақни тўлдириб, шерь ҳам қораладим.

миз. Эмишки, қадимда бир тепалик устида ўйнаб юрган болакай олицдан бостириб келаётган душман яловини кўриб қолибди. Шамол каби паства югуриб, қишлоқ аҳлини бундан хабардор этибди. Мард эркеклар ёвга қарата қилич яланғочлабди. Болакайнинг ўткир нигоҳлари ва хушёрлиги туфайли омон қолган эл тепалик устида кичкинтойнинг ҳайкалини тиклашибди. Даврлар ўтиб, тепалик ёнида катта шаҳар барпо бўлибди.

Юртимиз хонадонларида ўсиб улғаяётган болалар ўзгаларга яхшилик соғинишни, эл-юртга соғ-омонлик тилашни гўдақликданок ўрганидилар. Аниқроғи, кўҳна қадриятларимиз замридаги эзгу тушунчалар болаларимизнинг юрагини безатиб, уларни катта ишларга чоғлаб туради. Фарзандларини авайлаб-асраётган юртинг қудрати туганмас. Бундай юртда яшаётган ҳар бир бола эса бахтлидир.

Жондан азиз неъмат

Унда маҳсус мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар ва Меҳрибонлик уйларининг икки мингга яқин тарбияланувчилари иштирок этишди. Тадбир ҳақиқий бадийий кўргазмага айланди: болалар чизган суратлари, яратган амалий санъат намуналари намойиш этилди. Бири-бирдан ажир болалар спортнинг барча турлари бўйича ўз маҳоратларини кўрсатишди. Бог кун бўйи болалар хизматда бўлди.

Камола КЕНЖАЕВА, ЎЗМУ талабаси



Гулчехра ЖАМИЛОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги Ёш томошабинлар театрида ҳар йилгидек маҳсус дастур ишлаб чиқилди. Шу кунларда театр репертуарида болажонлар учун «Зумрад ва Қиммат», «Жону диллим пишлоқ», «Борса келмас», «Аламазон ва унинг пийдаси», рус тилидаги «Орзулар кemasи», «Қор маликиси», «Ғаройиб воқеа» саҳна асарлари намойиш этилмоқда.

Томошамиз — умид ғунчаларига — Болалар — биз барпо этаётган келажаги буюк давлат бунёдкорлари. Уларни ана шу эзгу мақсад йўлида бардавом этиш учун жамоамиз астойдил меҳнат қилмоқда. — дейди театр бадийи раҳбари Баҳром Усмонов. — Байрам тадбирлари бир ҳафта давом этади. 1 июн куни театримизда кичкинтойлар учун катта хайрия томошаси бўлиб ўтади. Унда пойтахтимиз ва вилоятлардаги Меҳрибонлик ҳамда Мурувват уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оила фарзандлари тақлиф этилган. Дастур доирасида болажонларга «Ойпошша» спектакли намойиш этилади.

Озода САРАФРОЗ, ЎЗМУ талабаси

Рассом ижодида болалар қиёфаси

Ўзбекистон Давлат санъат музейида рассомларнинг болалар ҳаётдан тасвирлаган кўплаб портретлари бор.

Ана шундай рангтаъсир асарларидан бири Баҳром Хамдамийнинг «Севимли қўшиқ» картинаси. Бу асар ўтган асрнинг қирқинчи йилларидан ҳисоб қилади. Уша пайтларда радио, телевизор йўқ, баъзи зиёли оилалар патифонда қўшиқ, куй тинглашарди. Мусаввир бу картинасида ўз оила аъзоларининг патифон кўйиб, пластинкада қандайдир қўшиқ эшитишайтганини тасвирлаган.

Унда рассомнинг буваси — шоир Мустариб, падари бузруквори Ҳамдам ота, онаси ва ёш мусаввирнинг қиёфаси акс этган.

Махмуд АХМЕДОВ, Ўзбекистон Бадий академияси бадий иждоқорлар уюшмаси аъзоси

боллик, болажонлик, неварода эса бувасига ҳурмат, меҳр, эркалиниш аломатлари ёрқин акс этган. Рассомнинг бу тасвири болалар тарбиясида бувиларнинг ҳиссалари бекиёслигига бир ишора. Халқимизга хос болажонлик «Катта оила» картинасида ҳам ўз ифодасини топган. Академик мусаввир Раҳим Аҳмедовнинг «Оналик. Тонг» рангтаъсирлари гира-шира тонг отаётган пал-

Касаба уюшма тадбири

Агарки улар ҳақиқий маънодаги гроссмейстрлар бўлса, албатта. Ҳаваскор шахматчиларга эса... барибир. Оқ доналарда ҳам, қора доналарда ҳам «қўзни юмиб» ютиб олишлари ёки аксинча, мағлубиятга учрашлари мумкин. Ким билсин, балки шуниси қизикроқдир ҳам?



Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан вазирлик ва Ўзбекистон КУФК жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши бошқаруви билан ҳамкорликда Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилга бағишлаб ташкил этилган шахмат бўйича турнирни кузатиш чоғида бу фикрнинг жонли гувоҳига айландик. — Бундай турнир биринчи марта ўтказилмоқда. — деди биз билан суҳбатда Марказий кенгаш раиси Бахтиёр Махмадалиев. — Шунга кўра уни бир синов деб ҳам баҳолаш мумкин. Гап шундаки, биз шу вақтгача ўтказилган турли спорт мусобақаларимизга республика миқёсидаги тиббиёт муассасалари ходимларини кўпда жалб этавермасдик. Эндиликда ушбу масалада ҳам адолат тарозусидан келиб чиқиб иш тутишга қарор қилдик. Ҳозирча турнир эркеклар ўртасида ўтказилмоқда. Кейинги йилдан хотин-қизларни жалб эт-

ган ҳолда турнир нуфузини янада ошириш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Яхши ният. Бу янги-янги талантларнинг кашф этилишига ҳисса бўлиб қўшилишига шубҳа йўқ. Бунчалар ишонч билан эътироф қиласизки йўл тутганимиз беҳизга эмас. Беихтиёр ЎЗКУФК томонидан ташкил этилган Республика спартакиадасида иштирок этган Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши етакчи мутахассиси Дилором Тошматова шахмат бўйича иккинчи ўринни банд этганлигини эсладик. Мушоҳадаларимизни турнир бош

ҳаками Матлюба Афолайян шахси ҳам тасдиқлагандек бўлди. Тошкент шаҳар шахмат федерацияси ижрочи директори ва эътибор қилинган, тиббиёт фанлари номзоди бўлган бу аёл турнирга узукка қўйилган кўздек ярашиб тушди. — Иштирокчилар сонидан келиб чиқиб, икки гуруҳга бўлган ҳолда швейцарча тизимда мусобақа ғолибларини аниқлаб олишга қарор қилдик, — дейди Матлюба Раҳматуллаева. — Қолаверса, тазкор шахмат усули танланди. Биз бу билан қатнашчиларнинг вақтини ҳам тежаш йўлидан бордик.

Дарҳақиқат, ҳеч қанча фурсат ўтмасдан тахталардан биттасида баҳс ниҳояланганлиги маълум бўлди. Шериги ўриндан туриб кетиб, ўз ўрнида қолган йигитни суҳбатга тортаман. Кимсиз, нимасиз, қаердан-сиз?.. Косимжон Умаров турнир ўтаётган Тошкент тиббиёт академиясида болалар жарроҳи бўлиб ишлашини, шахматга болалигидан ишқибоз эканлигини айтди. — Ютингизми, табрикласак бўлади-ми? Косимжон кулади.

— Э йўқ, омадим чопмади. Биз бир партиани соатлаб, бўш вақтга қараб, кун бўйи ўйнаб ўрганган эмасмизми, тазкор юришлар шошириб қўйди шекилли... Шу пайт Қосимжоннинг рақиби ҳам келиб қолди. Маълум бўлдики, Республика шошилич тиббий илмий ёрдам маркази кўкрак қафаси жарроҳи Шухрат Исаков бундай турнирларда авваллари ҳам кўп бор қатнашиб, анчагина тажриба орттирган экан. — Разрядингиз борми? — Спорт усталигига номзодман. Бу сўздан Қосимжон очилиб кетди: — Э, нега ютқаздим десам...

Биз ҳам қатордан қолмай қўшимча қилдик: — Демак, биринчилик ҳам сизники экан. Фаришталар «омин» деганми, чиндан ҳам яқиний ёрдам маркази кўкрак қафаси жарроҳи Шухрат Исаков ғолиблик шохсупасининг энг юқори поғонасини эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Ўзбекистонда иختисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт маркази врачкардиологи Музаффар Бобоев ҳамда Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири Махсум Махаматхонга насиб этди. Дарвоқе, Марказий кенгаш шу кунларда яна бир турнир тадбиригизни кўрмоқда. 3 июнда Республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларида ишлаётган хотин-қизлар ўртасида сузиш бўйича мусобақа бўлиб ўтади. Кейин... У ёғини яна кўрамыз. Зайниддин РИХСИЕВ

Оқлар бошлайдилар ва ғалаба қозонадилар

ган ҳолда турнир нуфузини янада ошириш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Яхши ният. Бу янги-янги талантларнинг кашф этилишига ҳисса бўлиб қўшилишига шубҳа йўқ. Бунчалар ишонч билан эътироф қиласизки йўл тутганимиз беҳизга эмас. Беихтиёр ЎЗКУФК томонидан ташкил этилган Республика спартакиадасида иштирок этган Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши етакчи мутахассиси Дилором Тошматова шахмат бўйича иккинчи ўринни банд этганлигини эсладик. Мушоҳадаларимизни турнир бош

Дарҳақиқат, ҳеч қанча фурсат ўтмасдан тахталардан биттасида баҳс ниҳояланганлиги маълум бўлди. Шериги ўриндан туриб кетиб, ўз ўрнида қолган йигитни суҳбатга тортаман. Кимсиз, нимасиз, қаердан-сиз?.. Косимжон Умаров турнир ўтаётган Тошкент тиббиёт академиясида болалар жарроҳи бўлиб ишлашини, шахматга болалигидан ишқибоз эканлигини айтди. — Ютингизми, табрикласак бўлади-ми? Косимжон кулади.

Биз ҳам қатордан қолмай қўшимча қилдик: — Демак, биринчилик ҳам сизники экан. Фаришталар «омин» деганми, чиндан ҳам яқиний ёрдам маркази кўкрак қафаси жарроҳи Шухрат Исаков ғолиблик шохсупасининг энг юқори поғонасини эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Ўзбекистонда иختисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт маркази врачкардиологи Музаффар Бобоев ҳамда Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири Махсум Махаматхонга насиб этди. Дарвоқе, Марказий кенгаш шу кунларда яна бир турнир тадбиригизни кўрмоқда. 3 июнда Республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларида ишлаётган хотин-қизлар ўртасида сузиш бўйича мусобақа бўлиб ўтади. Кейин... У ёғини яна кўрамыз. Зайниддин РИХСИЕВ

Биз ҳам қатордан қолмай қўшимча қилдик: — Демак, биринчилик ҳам сизники экан. Фаришталар «омин» деганми, чиндан ҳам яқиний ёрдам маркази кўкрак қафаси жарроҳи Шухрат Исаков ғолиблик шохсупасининг энг юқори поғонасини эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Ўзбекистонда иختисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт маркази врачкардиологи Музаффар Бобоев ҳамда Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири Махсум Махаматхонга насиб этди. Дарвоқе, Марказий кенгаш шу кунларда яна бир турнир тадбиригизни кўрмоқда. 3 июнда Республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларида ишлаётган хотин-қизлар ўртасида сузиш бўйича мусобақа бўлиб ўтади. Кейин... У ёғини яна кўрамыз. Зайниддин РИХСИЕВ

Right sidebar containing various notices, contact information, and advertisements. Includes 'Insonga naf keltirish' logo, 'Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi', 'Bosh muharrir: Abdusoliq Abdurazzoqov', 'Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV', 'Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot 256-03-90, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43, Reklama va e'lonlar 256-87-73', 'Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +99897 465 05 68; Buxoro +99893 653 50 81; Jizzax +99872 360 00 10; Navoiy +99893 725 46 40; Namangan +99897 491 79 27; Samarqand +99866 933 25 04; Surxondaryo +99897 458 05 07; Farg'ona +99890 232 93 19; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +99862 562 56 75; Qashqadaryo +99897 414 30 78', 'Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, "Buxoro" ko'chasi, 24-uy E-mail: ishonch2011@gmail.com', 'Nashr ko'rsatkichi: 133', 'Navbatchi muharrir: T. Shernayev', 'Navbatchi: S. Abdurahmonov', 'Musahhih: N. Maxamov', 'Gazeta "Ishonch"ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchisi: H. Abdullillov', 'Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.', 'Ishonchdan olingan ma'lumotlarda mabta sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. Muallif fikr ixtiyoriy ravishda nashrdan foydalanishi mumkin.', 'Tijorat materiallari', 'O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.', 'Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.', 'Bosishga topshiriш vaqti - 21.00 Topshirildi - 01.00', 'Byuromta G - 551', '20225 nusxada bosildi', '1 2 3 5'